

ТОННА УГЛЮН

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ЎҚУВЧИЛАР!

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ СТУДЕНТЛАРИ, ТЕХНИКУМЛАР, ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ, МАКТАБЛАРИНИНГ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ! БУГУНГИ КУНДА ПАХТА ДАЛАСИ УЧУН СИЗЛАРИНИНГ ЕШИК РАЙРАТИНИНГ ВА ҚАЙНОҚ ҚАЛБИНГИЗ ЖУДА ЗАРУР. СИЗ, ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ЎШ ҚУМАҚДОШЛАРИ, ДОИМО ТЕРИМ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ БИРИНЧИ САФЛАРИДА БУЛИБ КЕЛДИНГИЗ. БУ ЙИЛГИ КУЗ СИЗЛАРИНИНГ ҲАР БИРИНГИЗ УЧУН КАТТА ВА ЖУШҚИН ИШ МАВСУМИ БУЛДИ. БИЗ СТУДЕНТЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР МУЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИБ ОЛИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚУШАДИЛАР ДЕБ ИШОНАМИЗ.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан).

КАЛИНИН районидagi Максим Горький номидаги мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари йиғим-теримда намуна бўлмоқдалар. Улар Ўзбекистондаги Ҳамза номидаги колхоз далаларида ишлаб, пахтакорларга яқиндан ёрдам беришаётган. Суратда: мактаб директори Ғ.Имомназаров ёш теричилар билан далада.



ҲИССАМИЗ

Пахтачиллик ота касбимиз. Ўзбек халқи момиқ пахтаси билан чекиз факрланади. Шу бондан ҳам пахтакор катта давон ошиб, зафар кучганда бошимиз осмонга етди. Шунда: «Тоғ-тоғ оқ олтин» хирмонини уюшда бизнинг ҳам омиқ-қўлимиз ҲИССАМИЗ БОР» деб қўйишди кишилар.

Ўғил-қизларимиз ҳам бобо дед-қон изидан бораётган. Мактаб участкасида чигит элиб, ўза ўстирмаган биронта билим ўчоғи юрти топишмас керак.

Мактабимиз ўқувчилари ҳам «оқ олтин» меҳри билан яшайдилар. Лозим бўлиб қолса кўплар қатори миришкор заршуносларга ўз ёрдамларини беришга тайёрлар!

Бу йил ҳам шундай бўлди. Районимиз мактаблари қатори биз ҳам умумхалқ ҳашарига чиқдик. Дастлаб, Янгиёул районидagi «Партия XXI съезди» колхоз пахтакорларига кўмаклашдик.

Шуниси қувончлики, бу йирки

ҳўжалик районида биринчилар қатори манзилга етиб келди. Улар хирмонга 40 нафар ўғил-қиз терган биринча тонна оқ олтин ҳам туқилди.

Меҳнатимиз муносиб тақдирланди. Бригадалар ўртасида бериладиган кўмак Қизил байроқни олдиқ. Ўқувчилар қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди.

Ҳозир мактабимиз ўқувчилари Ўзбекистондаги 2-Пискент совхозининг 4 бўлимида теримда қатнашиб, суръатга суръат қўшиб, модалар. Кейинги беш кун ичида 35 тоннадан ортиқ кўсак териб бердик.

Миришкор пахтакор Жўра Тиллаев бошчилик қилаётган бўлим ишчилари галаба манзилга яқинлашиб қолди. Бўлим планининг юз бўлишига биз меҳнатимиз билан ҲИССА қўшамиз.

А. НУРМАТОВ,

Калинин районидagi 62-мактабнинг директори.

“ОҚ ОЛТИН” МЕҲРИ БИЛАН

Бу йил серкўёш республикамиз далаларида пахтадан мул ҳосил еттиштирилди. Ўзбекистон бўлиб чамандек очилган пахтакорлар учун куз-куз қилди. Йиғим-терим бошланиб кетди.

Аммо, йиғим-терим авжи қизган бир вақтда ёғингарчилик бошланиб қолди. Қийинчилик туғилди. Ана шундай оғир бир пайтда катта ҳашар эълон қилинди. Умумхалқ ишига ўз улушини қўйиш нияти билан пахта ва қишлоқда катта-кичик пахтазорга ёрдамга чиқди.

«Оқ олтин» меҳри мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини ҳам бепоён пахтазор сари етказди. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республикамизга ҳамма меҳнаткашлари га Мурожаатига қўшилган Калинин райони ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳам ватанпарварлар сафидан ўрин олдилар.

Биз Янгиёул райони пахтазорларида «оқ олтин» дурдоналарини тердик. Ёшлар кўчгайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. 7 мингга яқин ўғил-қиз далага чиқиб, терим суръатига суръат қўшди.

Ҳашарга чиққан ўқувчилар асосан райондаги 17 та колхозга бўлинди. Фрунзе номидаги «Партия XXI съезди», «Москва» ва бошқа колхозларга ёрдам берган 11, 12, 62-мактабларнинг меҳнатсевар ўқувчилари бошқаларга намуна бўлишди. Теримда илгориликка орилган ўқувчилар бригадалари радиопримени, соат ва шу хилдаги бошқа буюмлар билан мукофотландилар. Районимиздаги 4-мактаб (директори Ю. Муҳаммаджонов), 5-мактаб (илмий бўлим мудири А. Усмонов), 88-мактаб (директори Ш. Орифхўжаев), 33-мактаб (директори Т. Абдуллаев), 40-мактаб (директори Ш. Шоҳалимов)лар коллективлари ҳам ғайрат кўрсатиб ишладилар. Бу билим ўчоқлари ўқувчиларининг ҳар бири кунига 60—70 килограммдан пахта териб хирмонга туқилди.

Теримчи ўқувчи бригадалар ўртасида меҳнат социалистик мусобақа асосида ташкил этилди. Пахтадан тоза терим, терим суръатини ошириш ёш ҳашарчиларнинг қатъий шioriга айланди. Шунга ўхшаш бошқа тадбирлар яхши натижа берди.

Ёшлар бор жойда шодлик бор дейишди. Айниқса, тушунча билан, кечки пайтларда ўғил-қизларнинг яхши ҳордиқ чинаршишлари

учун қатор тадбирлар белгиланди. Шахмат, шашка, қироатхона улар ихтиёрида бўлди. Ҳар бир штабда телевизор ва радиопримени шиллаб турди. Тушунча билан олин пайтларида бадиий ҳаваскорлик коллективлари иштирокида концертлар қўйиб бериб турилди. Турли мавзуларда суҳбатлар ўтказдик.

Район пахтакорлари талаба рапортига нисбатан кўндаланга бўлиб қолди. Ўқувчилар меҳнат зафарига ўз улушлари борлиги билан ҳақли равишда фахрландилар.

Биз бу билан кифояланиб қолмадик. Чунки, қатор районлар ҳали маррага етмаган эди. Бу ҳўжаликларга ҳам ёрдам бериш лозим бўлиб қолди. Ўзбекистон пахтакорлари ўқувчиларининг кўмакка келганликларидан мамнун бўлдилар.

Мана бирнеча кундирки, биз бўжалик «оқ олтин» миришкорлари далаларида теримда қатнашаётган. Болаларнинг руҳияти тейди. «Оқ олтин» ҳосилининг бир миқдорини ҳам исроф қилмай йиғиб-териб олиш учун кўлимиздан келган ёрдамимизни аймагимиз, демакдлар улар.

Сўзлар билан ишлари бир ўғил-қизлар кунига 200—260 тоннага етказиб қўнган териб, хирмонга туқилди. Янгиёулда бўлгани каби бу районда ҳам терим ишлари ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилган.

Айниқса, 1-«Пискент», 2-«Пискент» совхозлари ҳамда Ҳамза номидаги Фрунзе номидаги колхозлар ўқувчилар ҳимматидан хурсанд. Ўзбекистон «Бўжа» совхозининг ўзига 14 та мактаб ўқувчилари йиғим-теримга қатнашмоқдалар. Ўртоқ Ғ. Қорабоев директорлик қилаётган 23-мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан 150 га яқин бола кунига 12—15 тоннага етказиб кўнган теримда.

Миллий ифтихоримиз, обрўимиз ва катта бойлигимиз — «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олиш учун қизган кураш бораётган шу кунларда районимиз ўқувчилари ғайратлари-га-ғайрат кўшиб меҳнат қилмоқдалар. Пахтакор деҳқон деҳона тери билан еттиштирилган дурдонанинг бир грами ҳам ерда қолмайди.

М. УМАРОВ,

Калинин район халқ маорифи бўлимнинг мудири.

РАҲМАТ, МАДАДКОРЛАР

Кўпчиликдан кўн қочиб қўнма деганларча бор. Кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб ишга киришса, албатта қўнма натижага эришади.

Тўғри, бу йил пахтачилигимиз учун ниҳоятда оғир келди. Куз ёғингарчилик билан бошланди. Заршуносларимиз шовиш-қўнма қолдилар.

Ҳосил чўғи мул эди. Қандай қилиб бўлса ҳам уни тезда йиғиб-териб олиш керак. Партия ва ҳукуматимиз зарур чораларни кўрди. Умумхалқ ҳашари бошланди.

Бу ўринда қалби олов ёшларимизнинг бизга кўрсатган ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Калинин райони мактаб ўқувчилари ҳам ҳиммат кўрсатдилар.

Ўқувчилар иштирокида меҳнатсевар болалар эди. Пахта учун кураш нақадар давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим иш эканлигини яхши ҳис қилишар, «оқ олтин»ни сира нобуд қилмай тоза териб олишарди.

Кўпчилик ғайрати билан йиғим-терим қилиб кетди. Суръатга-суръат қўнмаиб, «оқ олтин» хирмони тобора бўй қўзди.

Мисол учун ҳашарга келган 11-мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларини олиб кўрайлик. Моҳир педагог ўртоқ А. Имомалиев директорлик қилади бу билим ўчоғига. Ўқувчилар бригадаларига ажратилган карталарда

ҳалол меҳнат қилишди. Дастлабки кунларда киши бошига 70—80 килограммдан пахта терилди.

Колхозимизда пахта теримда қатнашган бошқа мактаблар ўқувчилари ҳам теримда яхши меҳнат қилишди. Илгори теримчилар рағбатлантириб турилди. Қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

Бугунги кунда юзминг ёруғ. План ортиғи билан бажарилган. Ҳа, кўпчиликнинг шарофати билан давон ошдик.

Асли касби-корим — ўқитувчи. Мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бердим, директорлик қилдим. Педагог сифатида ўғил-қизларимизнинг ҳул-аъворлари, ораулар ва интилишларини яхши биламан. Уларда коммунистик ахлоқ нормалари таркиб топмоқда. Меҳнатсеварлик ва одоблилик эса болаларимизнинг эг яхши хислатларидан бири. Буни улар йиғим-терим даврида ана бир бор намойиш қилдилар. Ана шундай ўғил-қизларини тарбиялаб вояга етказётган уларнинг ота-оналарига, қолаверса педагогик коллективларга катта раҳмат! Соғ-саломат бўлинг қимматли болалар, меҳрибон ўқитувчилар!

М. ЭРГАШЕВ,

Янгиёул районидagi Фрунзе номидаги колхоз раис.



Калинин районидagi 26-мактаб ўқувчиси Холита Нейматова фидокорона меҳнати билан пахтакорлар ҳурматини қозонди.



Калинин районидagi 89-мактабнинг ўқувчиси Эҳрийдin Мухиддинов ҳам пахтазорда меҳнат завоқини сурмоқда. В. Фафуров фотолари.

ОҒИРИМИЗ ЕНГИЛ БЎЛДИ

Ҳозир пахта дея яшайтган ҳар бир деҳқоннинг, ҳар бир хашарчининг мақсади битта: У ҳам бўлса «оқ олтин» хирмонимиз тоғ-тоғ бўлиб, зафар манзилга тараққ етиб боришди. Ёш ватанпарварларнинг йонбозлигини айтмайсанми! Улар оғиримизни енгил қилиб, бизга катта мададкор бўлмоқдалар.

Тўғри, Калинин районидagi мактаб ўқувчилари совхозимизга ёрдамга келишганга ҳали кўп бўлган йўқ. Аргамчига қил қўнмаб деганларидек, ҳашарчи ўқувчилар ғайрати билан хирмонимизга барака кирди. Ҳосил дурдоналари нис-нобуд қилинмай йиғиб-териб олинмоқда.

Совхозимизга 14 та мактаб ёрдам бермоқда, ўқувчилардан тузилган бригадалар теримда бир бирларидан қўнмаётган. Ўғил-қизлар кучи билан ҳозиргача талайгина ҳосил йиғиб-териб олди.

Қатор билим ўчоқларида, жумладан Ғ. Қодиров, Р. Анба-

ров, Ғ. Қорабоев ўртоқлар директорлик қилаётган 26, 24, 23-мактаблар ўқувчилари ўртасида пахта далаида дастлабки кунлардан бошлаб меҳнат яхши ташкил этилди. Мактаб директорлари ва синф раҳбарлари иш бошди.

Ҳали далада ҳосил кўп. «Оқ олтин» дурдоналарини тезроқ йиғиштириб олиб, она-Ватанга топиришда бизга ёрдамга келган ўқувчилар ва бошқа хашарчилар ҳимматидан беҳад хурсандимиз.

Қарс яқин қўлдан чиқади дейишди. Биз ҳам ёш ватанпарварлар меҳнатини надрлаётган. Уларнинг яхши ишлашлари учун ҳамма имкониятлар муҳайё қилинган.

Бизнинг меҳнат зафаримиз сизларнинг ҳам зафарингиз бўлади, хашарчи дўстлар!

Н. КИМ,

«Бўжа» совхоз партия ташкилотининг секретари.

БИЗ ҲАМ КИЧИК ПАХТАКОР

Пахтазор биз ўқувчилар учун меҳнат ва чиниш майдонига айланиб қолди. Шунинг учун ҳам биз бу йил пахта теримига қувонч билан отландик.

Дастлабки кунлардан бошлаб мактабимиз ўқувчилари теримни қизитиб юбордилар. Айниқса, синфимиз ўқувчилари илгориликни қўлдан беришмас, кундан-кунга терим суръатини ошириб боришарди. Синфдошларимизнинг ҳар бири кунига 70—80 килограммга етказиб пахта терди.

Ҳозир биз Оққўрғон районидаги С. Сегибоев номидаги совхозининг 2-бўлимида ишлаймиз. Далада ҳам, ётоқхонада ҳам

ҳамма қўлайликлар яратиб берилган. Кечқурунлари телевизор кўрамоқ, радио тинглаймоқ, бадиий ҳаваскорлар концертларини томоша қилмоқ. Хуллас, биз меҳнат завоқини билан яшаймиз.

Биз янги дўстлар ортирдиқ. Оққўрғонлик ўқувчилар ҳам меҳрибон ва меҳнатсевар эканлар. Биз районимизга қайтиб борган, улар билан катта орқали алоқа қилиб турамыз.

Т. ДОСИНБОВА,

Д. БОЙЖОНОВ,

Оржоникдзе районидagi 38-мактабнинг 10-синф ўқувчилари.



Калинин районидagi 39-мактабнинг алоҳида ўқувчиси Ю. Султонов теримда ҳам илгори бўлмоқда.



Калинин районидagi 89-урта мактабнинг ўқувчиси Марҳамат Холисова ҳам чевар теримчилар сифатида танилди.

КАТТА ХАШАР

— Соликой, қанча бўлибди хашарчиларнинг теримгани,— сўради.

— Тўққиз тоннадан ортиқ бўлган, — деди таразонинг миқнатдорчилик оҳангига. — Жузда тоза теримбди. Ўша қатор ораларида биронта ҳам кўсак қолмади ҳисоб. Эртдан қўнма каттага ўтмиз. Ўқувчиларнинг ғайрати шу бўлса, картадаги кўсакларни кечгача териб қўнмайдик.

Сулаймон ака даладан мамнун бўлиб қайди. У йўл-йўлакай 2, 3-бригадаларда бўлиб, 27, 35-мактаб ўқувчилари ишлари билан қизди. Штаб бошчилари билан суҳбатлашди. Ишнинг яхши ташкил этилиши, илгорилик рағбатлантириш лозимлиги, теримчиларга маданий хизматни янада яхшилаш кераклиги тўғрисида маслаҳатлар берди.

— Вақт ғанимат. «Оқ олтин» дурдоналарини қанчалик тез йиғиштириб оласан, марра бизники! Колхозчилар ҳам қа-

раб туришмапти. Иссин-совуғимиздан хабардор бўлиб туришди. Теримда намуна кўрсатётган ўқувчиларимизга бир неча бор мукофотлар беришди.

Мана, эртага Султон Сегибоев номидаги совхознинг 2, 3 ва 4-бўлимларида ишлайтган ўқувчиларга радиоприменилар совға қилишмоқчи. Биз ҳам бор кучимизни заршунослардан аймаймиз.

Сулаймон ака йўлда ана шулар ҳақида ўйлаб борарди. У штабга ҳам етиб келди. Хонада иш қизиган эди. Район методика кабинетининг мудири М. Мاستонов телефонда бугунги сподикан ёнмаб олаётган, райондан келган нақиллар маориф қўлимлари билан эртанги иш режалари ҳақида ўзаро фикрлашаётган эди.

— Жузда яхши ўйлабизлар, — деди ўртоқ С. Ҳасанов штабдагилар фикрини маъқуллаб. — Ҳозир совхоз бўжамизини бирма-бир айланиб кел-

дим. Ўқувчиларимиз ёмон ишлайшмапти. Улар тўшган карталар тоза терилган. Эртдан бошлаб ҳосил кўп карталарда терим керак. Совхоз раҳбарлари терим фикри ҳам шундай.

Бу орада ўртоқ М. Мастонов ўқувчилар бригадаларидан сподикаларини олиб бўлган эди.

— Натижа қандай бўлибди? — қизиқибди сўрашди хо-надагилар.

— Кечадиган бугун анча ўшига эришганимиз, — деди М. Мастонов блокнотдан кўнани узмай. — Ҳаммаси бўлиб 250 тоннадан ортиқ кўрак терилди. Бу ўқувчиларнинг ҳар бирига ўрта ҳисобда 50—60 килограммданга тўғри келди.

Бош штабда алламаҳалгача чирқоқ чўмади. Бу орада район маорифи билан телефон орқали гаплашилди. Совхоз далаларида меҳнатни ташкил этиш борасида келишиб олинди.

Республика партия ва ҳукуматининг меҳнаткашларга қа-

рата қилган. Мурожаатига Оржоникдзе район халқ маорифи қўлимлари ва ўқувчилари ҳам «лоббай» деб жавоб бердилар. Юқори синф ўқувчилари ўқувчилар раҳбарлигида пахтазор сари — қайноқ меҳнат қувонига отландилар.

Ҳашарчи ўқувчилар Оққўрғон районининг ҳўжаликларидан пахта териб, колхозчилар оғирини енгил қилдилар. «Тез-у, тоза тер», «Оқ олтин»нинг бир миқсали ҳам ерда қолмасин» деган шор ўртага қилинган. Ҳамма тер қўнмаб меҳнат қиллар. Зафар кучадиган кунини яқинлаштиришга ҳаракат қилишарди. Ўша дастлабки кунларда меҳнатсевар ўқувчиларнинг ҳар бири хирмонга 80—100 килограммга етказиб дур туқиллар.

Меҳнат қилган элда азиз деганларидек, энг яхши теримчилар муносиб рағбатлантирилди. Уларга қимматбаҳо буюмлар берилди.

Оққўрғонликлар галаба қувонган зафар советлари ҳам етиб келди. Пахта тайёрлаш планини бажарган моҳир заршунослар қувончига теримчи ўқувчилар ҳам шерик бўлишди. Фидокорона меҳнатлари учун ўғил-қизларга район раҳбарлари, колхоз раислари ва совхоз директорлари катта миқдорида миқнатдорчилик, ўғил-қизларга миқнатдорчилик, тиллашди.

— Пахтаимиз — ўз оти билан «оқ олтин», — дейди Оржоникдзе район халқ маорифи бўлимининг мудири С. Ҳасанов. — Кўмуш ишлага тошиб турган оппоқ пахта ҳам, унинг бир толаси ҳам — пахта. Уни ерда қолдириб бўладими! Асло! Шу бондан каттазо-кичин — ҳамма унинг бир миқсалини ҳам ерда қолдирмайин, демоқда.

Районимиз ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳам шу далолат қиларди пахтакорларимизнинг мададкори бўлишга аҳд қилдилар. Ана шу ният билан улар яна пахтакорлар ҳазурида қолдилар.

Ҳа, оржоникдзелик ўқувчиларнинг қимматлари баланд. Улар кучи билан яна катта-катта хирмонлар уялиди.

А. АЛИЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

